

UZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY QUR'OLIN
INV. №



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БУЮК
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 14 август, № 158 (4311)

Сешанба

ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЯНА БИР ЭЪТИРОФ


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 август куни Оқсаройда Ислам конференцияси ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғлини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат нуфузли халқаро ташкилот раҳбари, балки ислом дунёсининг бирдамлигини мустаҳкамлаш ва уни тараққий эттиришга улкан ҳисса қўшиб келаётган етук сийёсатчи сифатида ҳам билишини таъкидлади.

— Сизнинг юртимизга ташрифингиз ва Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этишингиз ушбу анжуманининг моҳиятини яққолроқ очиб, аҳамиятини янада оширади, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз Ислам конференцияси ташкилотига 1996 йилдан буён аъзо. Ушбу халқаро ташкилот Президент Ислам Каримовнинг афғон инқирозига барҳам бериш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. ИКТ Ўзбекистон раҳбарининг миллий-маънавий кадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди ва мамлакатимизга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди.

Мамлакатимиз билан ИКТ тузилмаси ҳисобланган Ислам тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Айни пайтда жами 115 миллион АҚШ долларига тенг 9 лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар тиббиёт ва таълим муассасаларини яққолроқ, қатор корхоналарни модернизация қилишга, ҳукусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. ИТБ делегациясининг жорий йил июль ойида Ўзбекистонга ташрифи асосида "Ипотека-банк", "Узсаноатқурилишбанк" ва "Асакабанк"ка жами 15 миллион долларлик кредит линиялари очилди. Бу кредит саноат ва қишлоқ ҳўжалигида иш



юртувчи хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришга қаратилган сармоявий лойиҳаларга йўналтирилган.

Ислам конференцияси ташкилоти раҳбарлари билан бир тузилма — Таълим, фан ва маданият масалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди. Бу аждодларимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг, Ўзбекистоннинг миллий-маданий ёдгорликларни, муборак қадимликларни тиклаш ва ободлаштириш, буюк аломалар қолдирган меросни

асраб-авайлаш ва тарғиб этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Ортмизда қад ростилаб турган улугвор масжид ва мадрасалар, бобокалонларимиз хоки қўни топан жанмуалар, ноёб тарихий қўлёзмалар ҳар қандай кишини ҳайратга солади, диний бағрикенглик ва халқимизга хос меҳмондўстлик эса чуқур осойишта ва мамнуният ҳиссини уйғотади.

Акмалуддин Эҳсон ўғли ISESCO Тошкентни ислом маданияти пойтахти деб эълон қилар экан, Ўзбекистон раҳбарининг миллий мерос ва

маданий кадриятлар ҳамда ислом цивилизацияси ёдгорликларини асраб-авайлашга қаратилган оқилона сийёсатини, Мовароуннаҳрда етишиб чиққан алломаларнинг беқиёс хизматларини, Марказий Осиёнинг энг йирик ва энг қадим шаҳарларидан бўлиши Тошкентнинг жаҳон тарихида тугган ўрнини хисобга олганини таъкидлади. Меҳмон ИКТ Ўзбекистон раҳбарининг маънавий ва миллий кадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолашини, Тошкентда

ўтаётган анжуман жаҳон ҳам-жамиратига ўзбек халқининг бой мероси билан ақиндан танишиш имконини беришини қайд этди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Сўбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Ислам конференцияси ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг булунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофила фикр алмашиди.

(Ў.А.В.)

Абдулвоҳид Тўраев олган сурат.

ИСТИҚЛОЛДАН МУНАВВАР МЕРОС

Жаҳонда ЮНЕСКО деган халқаро ташкилот борлигини яхши биламиз. Бу ташкилот ўзига дахлдор ҳеч бир ибратлиқини эътибордан четда қолдирмайди. Ортмизда қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, буюк аждодлар меросини ўрганиш ва дунёга танитиш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини ҳаққоний баҳолаш, қадимий маданиятимизни, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ибратли ишларни ЮНЕСКО раҳбарлари бир неча бор эътироф этишди.

Жумладан, ўтган йилнинг кузида мамлакатимизга унчи марта ташриф бурган ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацура Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов қабулида бўлганда шундай деган эди: «Хар сафар келганимда юртингизда улкан бунёдкорлик ишларининг самаралари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётда юз бераётган кенг қўламли ўзгаришларга гувоҳ бўлам». У бу ўзгаришларнинг эътирофи сифатида Юртбошимизга ташкилотнинг олтин медалини топширди.

Агар биз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳроуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Имом

Бухорий, Имом Термизий, Замаҳшарий, Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуқолиб Ғекдўнавий, Жалолиддин Манғуберди ва бошқа улугворларимизнинг тарих ҳамда маданиятимиздаги ўрни ва аҳамияти, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Самарқанд шаҳарларининг юбилейлари, қўлаб тарихий обидаларини, муқаддас жойларини ва азиз-авлиёлар мақбараларини қайта тиклаш, таъмирлаш, ободлаштириш борасида амалга оширилган ибратли ишларни эсласак, бу эътиборнинг бежиз эмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Оилада тўққиз нафар ака-сингил ўсиб-ўлгайдик. Шунча одам зигирдай жойда яшардик. Бир қарич ерга эга бўлиш оиламиз армони эди. Истиқлол туфайлигина елкамизга офтоб теғди. Қомил ишонч билан меҳнат қиладиган бўлдик. Юртбошимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилган, ишларимиз юришиб кетди. Фермерлик ҳаракати бошланган, 32 гектар ерга эга бўлдик. Ака-укаларим ёнимга киришди. Аста-секин боғдорчилик, сабза-

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз меҳмонлар!

Хурматли конференция қатнашчилари! Авваламбор, барчангизни муқаддас Ўзбекистон заминидан, «Ислам маданияти пойтахти» деб ном олган азим Тошкент шаҳрида чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман. Бугунги конференция муносабати билан «Шарқ дарвозаси» деб ном олган пойтахтимизда сиз, муҳтарам мусулмон дунёсининг таниқли намоёндалари — атоқли уламолар, диншунос олим ва мутахассислар, машҳур давлат, дин ва жамоат арбобларининг тўплагани нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун минтақамизда яшаётган кенг омманнинг маънавий ҳаётида катта тарихий воқеа, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида Буюк ипақ йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлаётган кўприк бўлиб хизмат қилган. Қадимий дийёримиз шу асосда турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган улка сифатида танилиб келмоқда.

VII-VIII асрлардан бошлаб эса она юртимиз бутун мусулмон олами ривожига, муқаддас ислом илоҳиёти ва фалсафаси асосларининг шаклланишида ўчмас из қолдирганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Кўна Мовароуннаҳр заминидан туғилиб каломга етган, ўзининг илмий жасорати, буюк кашфиётлари билан ислом дунёсига улкан шўхрат қозонган Имом Бухорий ва Имом Термизий, Имом Мотуридий ва Маҳмуд Замаҳшарий, Бурҳониддин Марғиноний ва Баҳроуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий сингари аллома ва мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ислом маданияти ва цивилизацияси билан шу қадар чамбарчас боғлиқлиги кетганини, биз динимизни бу улуг зотларни, бу улуг зотларнинг номларини эса ислом динисиз асло тасаввур қилолмаймиз.

Ана шу буюк аждодларимизнинг кенг қомусий билими, гоя ва фикрларини ўзида муқассам этган, бугунги кунда ҳам илмий ва инсоний қадриятини йўқотмаган бой ва бебаҳо меросини ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали замон олдимишга қўяётган кўпгина ўқир, оғир масала ва муаммоларининг ечимини топиш, динимизнинг асли маъно-моҳиятини холисона талқин ва тарғиб қилиш, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган ёш авлодга тўғри йўл кўрсатишдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Биз муқаддас динимиз ва ислом цивилизациясини жаҳон цивилизацияси, кишилик тараққиёти ва маданиятининг узвий бир қисми, одамларни руҳий-маънавий поклаш, уларнинг онгу шуурида шукроналик, тинч ва осуда ҳаёт кечриши, миллатларо ва динларо бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни мустаҳкамлашнинг асосий омили ва мезони сифатида юксак қадраймиз.

Ана шундай пойдеворга таяниб, энг муҳими, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бетаквор мерос соҳибига эканлигини англаган ҳолда, ўзимизнинг эркин, мустақил ва фаровон келажагимизни қуриш, ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, мусулмон дунёси ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш — бизнинг эзгу мақсадимиздир.

Ислам КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мустақиллик — менинг тақдиримда!



Мустақилликка эришгунимизга қадар ўтган умримни сарҳисоб қилганимиз армонлар, ушайламай қолган орзу-умидлар юки онгу шууриمنى забот этади. Еш, қуч-қувватим етарли бўла туриб, кўп ишларга қўл урмоганимдан, бажаришни мўлжаллаган ишларим чала-ярим қолиб кетганидан афсус чекман. Ахир, мустақил тузум дадил, эркин, ўз истагимиз билан ишлашга йўл бермас эди-да. Шу сабабдан ҳам дехқоннинг бири икки бўлмаган, қўли ёлчиб даромад қўрмаган.

ЁРУФ КУНЛАР САОДАТИ

Оилада тўққиз нафар ака-сингил ўсиб-ўлгайдик. Шунча одам зигирдай жойда яшардик. Бир қарич ерга эга бўлиш оиламиз армони эди. Истиқлол туфайлигина елкамизга офтоб теғди. Қомил ишонч билан меҳнат қиладиган бўлдик. Юртбошимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилган, ишларимиз юришиб кетди. Фермерлик ҳаракати бошланган, 32 гектар ерга эга бўлдик. Ака-укаларим ёнимга киришди. Аста-секин боғдорчилик, сабза-

Мавлюда УМАРОВА,
Қўрғонтепа туманидаги
«Хажкор-водий нури»
фермер ҳўжалиги
раҳбари.



Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан шу йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтаётган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга қўллаб-қувватлардан нуфузли делегациялар ташриф бурмоқда.

Уларнинг айримлари ўзларининг илк таассуротлари ҳақида Ў.А. мухбирлари билан ўртоқлашди.

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Кувайт халқаро хайрия жамғармаси ва Осиё мусулмонлари қўмитаси ижрочи директори Абдурахмон АВОЗИЙ: — Ўзбекистонга илк бор келган бўлсам-да, мамлакатингиз тарихи ва маданиятига оид қўлаб китобларни ўқиганман. Ортингизда дин, маданият, илм-фан ва таълим каби қўлаб соҳалар истиқлол йилларида изчил раванқ топаётганидан хабарим бор. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пой-

тахти деб эълон қилиниши биз, кувайтликларни ҳам жуда қувонтирди. Тошкент бундай шарафга жуда муносибдир. Ислам дини тинчлик, эзгулик, саломатлик, ўзаро меҳр-оқибат динидир. Шу боис мамлакатингизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида диний бағрикенгликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Кувайтда

Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиш жуда катта. Кувайтликлар ўзбек заминидан туғилиб ўсган Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодиини, асарларини катта қизиқиш билан ўрганишлар.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасидан яна бир далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

Бугун ва эртага Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларида Тошкентнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти ISESCO томонидан 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади.

Мухбиримиз мазкур тадбир ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмоҳон АЛИМОВ билан шу ҳусусда сўзлашди.

— Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши юртимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси эътирофи экан-

лиги баробарида мамлакатимизда аждодларимизнинг бой илмий, маданий, диний ва дунёвий меросига бўлган юксак эътиромини ҳам таъкидлаб беради, — дейди сўзлашганимиз. — Жаҳон тамаддуни тўрт қутбдан иборат. Лекин булар орасида инсоният-

нинг буюк тарихи китобининг асосини Фарб ва Шарқ тамаддуноларининг мўъжизалари, ютуқлари ташкил этади. Тошкент, умуман, бутун мамлакатимизнинг азим шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон, Қўқон, Шаҳрисабз, Термизда ислом маданияти ўзининг энг олий ҳўқисинда, баланд макомда акс этди. Биргина Самарқандда ўрта асрларда 10 мингга яқин дунёвий олимлар, диний уламолар, арбоблар яшаб ижод этгани ҳозир ҳам бутун дунёни ҳайратга солади. Ўзбекистон асрлар

(Давоми 2-бетда).

Бизнинг интервью

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кувайтнинг "Ал-Аламия" газети бош муҳаррири Салоҳ Фадр Саҳид СУЛТОН:

— Ўзбекистонга жорий йилнинг июнь ойидаги таърифи чотида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги қўлаб меъморий обидларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлган эдим. Юртингизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида аждодларингизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш, таълим, фан ва маданият каби соҳаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар ўз самараларини бераётгани таъсирчан бўлди.



Ўзбекистондан, айниқса, таълим соҳасида ўрнатилган аристократик ҳаёт тарзи кўп. Юртингизга аввалги таърифи чотида Хазрати Усмоҳон ёдгор — Қуръони каримнинг ноёб қўлёлма нусхаси — "Усмоҳон Мухсафи"ни зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган эдим. Шунинг таъкидламоқчиманки, "Ал-Аламия" газетасида Ўзбекистон ҳақида қўлаб мақолалар чоп этганман ва бундан кейин ҳам ушбу гўзал дегдан олган таассуротларимни араб ахлига матбуот орқали етказишни ўз бурчим, деб билман.

Тунисдаги Зайтуна университети ректори Салим БУВАҲИЙ:

— Ўзбек заминидан эгиштиб чиққан уламолар ислом маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшганини бутун ислом олами эътироф этади. Имом Бухорий, Абу Лайс Самарқандий, Имом Термизий каби қўлаб буюк мутафаккирларнинг бой меросидан бутун дунё ахли асрлар оша баҳраманд бўлиб келмоқда. Бугунги кунда юртингизда ана шундай моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида қўрғи ўрганиш ва ундан халқингизни баҳраманд қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлардан ўрнатилган эътиборимиз.

ИСЕСКО томонидан Тошкентга 2007 йилда ислом маданияти пойтахти мақоми берилиши Ўзбекистоннинг халқроқ микроскопдаги нуфузини янада оширди.

Тунисда Ўзбекистон билан илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга интилиш кучли. Зеро, Ўзбекистондек юксак салохиятли мамлакат билан ҳамкорлик Тунис ахли учун катта шарафдир.

Покистоннинг Исломобод араб тилидаги қўлёлма маркази директори Аҳмад ХОН:

— Истиқлол йилларида мамлакатингиз раҳбари томонидан аждодларингиз қолдирган илмий-маънавий, ноёб ва бой меросини асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳамда келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳавас қилсангиз.

Таълимнинг даврий нашрларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарларингизнинг меъморий ёдгорликлари ва тарихий обидалари ҳақида қўлаб мақолалар чоп этилган.

Ноҳира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Ҳа А муҳбирлари.



ИСТИҚЛОЛДАН МУНАВВАР МЕРОС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг қўламли ва бугунги кундаги аҳамияти шу йилнинг бошида яна бир нуфузли халқаро тизим — Ислам Конференцияси Ташкилотининг эътиборини тортди. Унинг таркибидagi Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти Тошкентни 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилди. Бундай эътироф бутун жаҳонда ижобий акс-садо берди. Жумладан, Мисрдаги машҳур "Ал-Азхар" мажмуаси шайх, бош Имом Муҳаммад Саййид Тантовий Президентимиз номига йўллаган табригидда шундай дейди: «Қай элмоқчиликки, ислом дунёси Имом Бухорий, Имом Термизий ва Беруний, Замаҳшарий ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларнинг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини эътироф этади ва юксак баҳолайди».

Ана шу сатрларни ўқир эканмиз, ўтган йили хоржий бир давлат элчиси билан қилинган суҳбат ёдга тушди. «Жаҳон цивилизациясига гарб дунёси бекуёс даражада ҳисса қўшди, шунинг учун биз, осийлар ҳаётда гарб дунёсидан ибрат олишимиз зарур» деган эди ушундай элчи. «Бизки, нима, биз ҳисса қўшмадикми?!» деган эътирозимизга жавоб беролмагани у. Бизнинг юртдошларимиз жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган бўлсалар-у, кимлардир бизга қандай яшаш кераклигини ўргатишса, вожаб!.. Нафақат уларимиз қолдирган маданий ва маънавий мерослар, балки тарихий шаҳарларимиздаги обидаларнинг узейк бизнинг жаҳон цивилизациясидagi ўрнимизни қўралиб турибди.

Шайх Тантовийнинг табригидда яна бир эътироф эътиборини тортди. «Ўз навбатида, — дейилади унда, — Тошкент шаҳри ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинганга Сиз, жаҳон олийларининг илм ва маданияти ривожлантириш ҳамда ислом цивилизациясини сақлаб қолиш йўлида амалга ошираётган сая-ҳаракатларингиз араб ва ислом мамлакатлари томонидан тан олиншининг яққол далили бўла олади».

Бор ҳақиқат шунки, барча сая-ҳаракатларнинг бошида Юртбошимизнинг ўзлари турибди. Бутун араб дунёси ва ислом оламининг эътирофи халқимиз қўриб, биллиб турган ҳақиқатга ҳамоҳанг.

Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекуёс ҳиссасининг юксак эътирофига Ўзбекистон Президенти ўзининг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги му-

бирига берган интервьюсида муносабат билдирган экан, шундай дейди: «Шахсан менга бундай ҳолис ва ҳаққоний баҳодан, аввало, юртимиз заминида яшаб ўтган мутафаккир боболаримиз, улуг аломалар ва азиз зотларнинг муборак руҳлари шод бўлаётгандек туюлади ва ўйлаيمانки, бу фикрга барча юртдошларимиз ҳам қўшилиди».

Шубҳасиз, шундай. «Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари қўлаиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас, — деди Юртбошимиз мазкур интервьюсида. — Бунинг асосий сабаби — биринчи гада мукддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка қорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва аъёналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади».

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Бизда ислом маданияти ривожига эътиборнинг кучайиши Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ҳамда юртимизга Усмоҳон Қуръонининг қайтиши билан ҳам боғлиқ. Ана шу мукддас китоб сақланаётган Хазрати Имом мажмуасида бу йил амалга оширилган кенг қўламли курилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари, айниқса, янгидан қад ростлаган улкан жомеъ масжиди эътиқоди мустаҳкам халққа, Тошкентдек азим шаҳарнинг салоҳияти ва салобатига жуда мосдир.

Мажмуада амалга оширилган ишлар мустақиллик йилларида йимон-эътиқод, диний қадриятлар, мукддас қадимий ҳолат билан боғлиқ савоб ишларни амалга оширишдаги изчиллик, ташаббус ва қатъийликни таъминлашдаги давомийликнинг юксак ифодаси бўлди.

Бир сўз билан айтганда, бугун ва эрта Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳам юртимизда бу борага берилётган улкан эътиборнинг эътирофидир.

Иброҳим НОРМАТОВ, шерҳловчи.

Бирлашган Қатб Амирликлари апелляция суди судьяси Ҳасан Абдулғаффор ал-ҲОМИДИЙ:

— ИСЕСКО томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муқтақул Ўзбекистоннинг халқроқ микроскопдаги нуфузини янада оширди. Тунисда Ўзбекистон билан илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга интилиш кучли. Зеро, Ўзбекистондек юксак салохиятли мамлакат билан ҳамкорлик Тунис ахли учун катта шарафдир.

Покистон-Ўзбекистон маданий алоқалар жамияти президенти Акбар Аҳмад УЗГЕН:

— Юртингизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида тарихий-меъморий обидалар, зиёратгоҳларнинг қайта чиroy очиб, миллий урф-одат ва қадриятларингизни тикланаётганини жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада

— Шубҳасиз, шундай! Зеро, қучли давлатда ва қучли фуқаролик жамиятида шахс эркинликлари, хусусан, диний эътиқод дахлсизлиги қароқатланади. Хозирги кунда ўзининг дунёвий шаклда эркин келажакни қўраётган мамлакатимизда барча дин вакиллари эмин-эркин ўз эътиқодларини собит туришлари учун қонун доирасида барча шарт-шароит яратилган. Қадимда ҳам, хозир ҳам мамлакатимизда турли динлар, мажбуриятлар, уларнинг ҳақиқатлиги, тинч-тотулиқда, ўзаро бағрикенглик муносабатларида бўлиб келишган. Аммо айни пайтда биз мулоқотлар ва хабардорлик дарида яшаймиз. Сир эмас, насроний рўҳининг бизнинг диний байрамларимизда, имомларимиз уларнинг диний тантаналарида иштирок этишга, култалашга, ўзаро ҳамкорликнинг янгидан-янги жиҳатлари ҳусусида суҳбатлашишда. Қани айтилган-чи, бундай бир-бирини қўлаб-қуватлашга қаратилган муҳит яна қаерда бор?!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ҳукумати 2007 йил 8 июнда қабул қилинган «Усмоҳон Мухсафи»ни талаб даражасида сақлашни таъминлаш тўғрисида»ги қарори азалги маънавий илмий-амалий маданиятга беэавол етказишга қаратилган наватдаги амалий, муҳим қадам бўлди. Айни пайтда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мукташам, замонавий кутубхонасида — Мўйи Муборак мадрасасида махсус ойнаванд сандиқда сақланаётган ушбу табарруқ «Усмоҳон Мухсафи» бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, қўқсимизни йимон нур билан тўлдираётган мукддас қарордир.

— Ислам маданиятини тиклаш-яшнатган, унинг тинчликсоз, маърифатпарвар, кенглик, ахлоқий гўзаллик дини сифатида шуҳратига шуҳрат қўша олган юрт бизнинг Ватанимиздир...

Қишлоқ тadbиркорлари



Сурхон воҳасининг Бойсун тумани нафақат табиатан сўлимлиги, танги ва меҳнаткаш инсонларининг куй-қўшиққа мойиллиги, балки ероти бойликлари мўл-қўллиги билан ҳам донг таратган. Эътиборликни, ҳозирда олиб борилаётган геологик-қидирувлар, бу гўшада яна унлаб истиқболли конларнинг кўз очишидан дарак бермоқда. Бу бир тарафдан мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилса, иккинчидан, минглаб иш ўринлари яратилиб, фуқароларнинг рўзғори бундан-да қучли, баракали бўлишига ҳам хизмат қилади.

ОНА ЗАМИН САХОВАТИ


Бойсуннинг номини оламга тараётган воқелик шугина эмас. Бу ерда фаолият кўрсатаётган уддабуриг тadbиркорлар ҳам эл-юрт тўқислигига баҳоли қудрат ҳисса қўшишмоқда. Хусусан, туманда 1143 та тadbиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, уларнинг аксарияти ўзининг сифатли маҳсулоти ёки намунаси сервис хизмати билан эл оғзига тушмоқда. Мисол учун, «Сурхонмўздатон» корхонасида «Омонхона» тамғаси билан бежарим идишларга қадоклашиб, савдога чиқарилаётган зиллол ва шифобаш сувга талаб тобора ортиб борапти. — Яқинда хорикдан 350 минг АҚШ доллари қийматидagi замонавий қадоклаш линиясини харид қилдик, — дейди корхона таъ-

С. ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.
СУРАТДА: ишчи Назира Самодова.
Н. АЛМУРДОВ олган сурат.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Йилнинг энг яхши устаси

Йилнинг энг яхши устаси ким бўлиши мумкин? Андижондаги «Автотеххизмат» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган «Уста-2007» кўрик танловининг вилоят босқичида унга даъвогарлар яна бир бор синовдан ўтдилар.



Бу галги танловда асосан ёш мутахассислар иштирок этди. Двигателлардаги нуқсонларни аниқлаш, ҳаракатланиш тизимидаги носозликларни бартараф этиш, ёритиш қисмини мукамал таъмирлаш борасида Давронбек Қодиров, Баҳоуддин Абдураҳмонов, Бахтиёр Ҳужавларнинг қўллари баян қилди. Энди улар республика микроскопда ўтказилаётган баҳсда вилоят шарафини ҳимоя қилдилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Сервис хизмати коллежи

Олмалик шаҳридаги ўқув муассасалари сони янги ўқув йилдан эътиборан яна биттага қўяпти.

Негаки, бу ерда сервис хизмати коллежи қуриб битказилди. Унда автомобилларга хизмат кўрсатуви чиқарилган, соловчилар, ёниги ва газ қувачи шоҳобчалар ишчилари, сартарошлар, ресторон ходимлари, шунингдек, болалар боғчалари тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчилари тайёрланади. Бу имкониятдан олмаликлик ёшлардан ташқари, Ангрэн шаҳри ва Оҳан-



гарон туманида яшовчи ўғил-қизлар ҳам бемаъл фойдаланадилар.
А. ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«UZC» маркази гавжум

Талаба ва ўқувчиларнинг ёзги таътили чоғида Бухоро шаҳридаги «UZC» маркази янада гавжумлашди.

Ўзбекистон-Япония ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур марказда ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказаятилар. Бу ерда уларнинг япон тилини ўрганиш, кунчиқар мамлакат халқи маданияти, турмуш тарзи ҳақидаги фильмларни томоша қилиш, япон миллий таомлари тайёрлашнинг ўрганиш учун барча шароит яратилган.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Остонаси тиллодан»


Учкўприк туманида миллий қадриятларимизни тараннум этувчи «Остонаси тиллодан» деб номланган кеча бўлиб ўтди.

Унда оила, фарзанд тарбияси, қайнона-келин муносабатлари, урф-одатлар ҳақида сўз борди. Кеча сўнгига Мустақиллик байрами олдидан ташкил этилган «Энг маълум халқ», «Энг намунали оила» кўрик-танловлари яқунлиги, голиблар тақдирланди.

Н. СОБИР, «Халқ сўзи» муҳбири.

Сурхондарёлик фермерлар жорий йилда 123 минг гектар майдонда гўза парваришмоқда

Айни вақтда пахта йиғим-терими мавсумига ҳам пахта тарадуд қўриляпти. Хирмонлар тартибга келтирилиб, пахта қабул қилиш пунктлари таъмирланаётган.



Мавсум тарадуду қизгин

Музрабод туманидаги «Оптибой» фермер хўжалигида 13 гектар майдонда «Термиз-31» навли пахта етиштирилмоқда. Шу кунларда деҳқонлар ниҳолларни тунда сугориб, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озқилантиряпти. Зарарқунадаларга қарши биологик усулда кураш олиб бориляпти.

Фўза нозик ўсимлик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Турақул Оптибоев. — Асад ойда сўстхалик қилган деҳқон ҳосилининг бир қисмини бой бериб қўйиши мумкин. Шунинг учун агротехник тadbирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга ҳаракат қилмоқдамиз.
Х. МАМАТРАЙИМОВ, ҲА муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 14 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юртини, шунингдек, бажоҳона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўзга нисбатан қиймати белгилади:*/

1 Австралия доллари	1086,76	1 Поляна злотийси	463,21
1 Англия фунт стерлинги	2578,80	1 СДР	1948,58
1 Дания кронаси	235,01	1 Туркия лираси	996,49
1 БАА дирҳами	345,81	1 Швейцария франки	1064,93
1 АҚШ доллари	1270,03	1 ЕВРО	1748,70
1 Миср фунти	225,40	10 Жанубий Корея вони	13,74
1 Исландия кронаси	19,90	10 Япония енисаси	107,11
1 Канада доллари	1204,39	1 Россия рубласи	49,88
1 Ҳингй юани	167,84	1 Украина гривнаси	251,49
1 Малайзия рипитити	366,49		

*/ Валюта қиймати белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БЕРТА ДАВИДОВА



Мамлакатимиз мусика санъати оғир жудолука учради. Бешафқат ўлим ўзбек мумтоз кўшиқчилик санъатининг машур намоёнаси, бетақдор овоз соҳиб, Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидовани орамиздан олиб кетди.
Берта Давидова 1922

йили Марғилон шаҳрида таваллуд топди. 1935-1938 йилларда Тошкент тиббиёт техникумида тахсил олди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкентдаги ҳарбий госпиталда тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлади, шу билан бирга, бадиий ҳаваскорлик жамоаси аъзоси сифатида ярадор жангчилар учун ташкил этилган концертларда фаол қатнашди.
Унинг сермазун ижодий йўли 1943 йилда Ўзбекистон Давлат радиокўмитасининг хор жамоаси хо-

ландаси сифатида бошланди. Берта Давидованинг кейинги қирқ йилдан зиёд меҳнат ва ижодий фаолияти мана шу жамоада, хусусан мақомчилар ансамбли билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди.
Бу даврда у ўзининг юксак ижрочилик маҳорати билан мухлислар эътиборини қозониб, мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари сафидан муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, хонанда ижросидаги ўлмас миллий меросимиз бўлиши «Шашмақом» ашу-


ла йўллари, «Муножот», «Фигон», «Сарахбори оромжон», «Самарқанд ушшоғи», «Дугоҳ», «Баёт-1» сингари ўнлаб мумтоз ашулалар мусикий ҳазинамизнинг нодир ва баёхо бойлигига айланди.
Берта Давидова умр бўйи санъатимизнинг нафойс моҳир ижрочиси, балки толмас тарғиботчиси сифатида ҳам фидойиллик билан фаолият кўрсатди. У юртимиздаги қўллаб оммавий-маданий тадбирларда, катта концерт дастурларида иштирок этиш

билан бирга, ҳамisha олис шаҳар ва қишлоқларда, оддий одамлар, меҳнаткашлар орасида ўзининг ёрқин санъатини намоён этиб, халқ хурматиға сазовор бўлди.
Ўнлаб истеъдодли ёшларға маҳорат сирларини ўргатган устоз санъаткор узок йиллар республика радиоси ҳузуридаги мақомчилар ансамбли ҳамда Ўзбекистон давлат консер-

ваторияси аънавий ижрочилик кафедрасининг мураббийи сифатида самарали фаолият кўрсатиб келди.
Берта Давидованинг маданиятимиз ва санъатимиз ривожига қўшган хиссаси, ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги катта хизматлари муносиб баҳолашиб, у «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони ва «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланган эди.
Ажойиб санъаткор, меҳрибон устоз, камтарин инсон Берта Давидованинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.
И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ш. МИРЗИЁЕВ, Х. СУЛТОНОВ, Р. ҚОСИМОВ, Р. ҚУРБОНОВ, М. ЙЎЛЧИЕВА, Ҳ. САИДЖОНОВ

ЖАҲОН 24 соат ичида


Ноқонуний юк ушланди



Тўрт нафар Италия фуқароси Римнинг Fiumicino аэропортида қўлга олинди.

Улар Россияда ишлаб чиқарилган 100 минг дона Калашников автоматлари Ироққа ноқонуний жўнатишга ҳаракат қилганлиқда айбланмоқда. Экспертларнинг ҳулосасига қараганда, қуролнинг баҳоси 40 миллион АҚШ долларини ташкил этади.
Қўлга олинганларнинг тўрттови ҳам МІР компанияси ходимлари ҳисобланади. Улар ушбу шартномадан АҚШ ва Ироқ ҳукуматининг хабари борлигини таъкидлашмоқда. Оқ уй вакили эса бу далилни рад этди.
The Guardian газетасининг ёзишича, МІР Ltd Ироққа 50 минг дона АКМ ва 50 минг дона АКМС автоматлари, шунингдек, 5 минг дона ПКМ пулемётларини етказиб беришни режалаштирган.


Компьютердаги носозлик туфайли



Лос-Анжелес шаҳри аэропортидаги компьютер тизими ишламай қолди. Натижада 20 минг нафар АҚШ ва бошқа давлатлар фуқаролари бир неча соат аэропортда қотиб қолишга мажбур бўлишди.

Бир неча минг йўловчиға эса самолёт салонидан пастта тушишга рухсат берилмади. Еттига йўналиш бўйича учиб келган самолётлар бошқа аэропортларга жўнатилиди.
Аэропорт боғжона ва чегара хизмати матбуот қотиби Майкл Флеммингга нинг таъкидлашича, маркавий компьютернинг ишдан қилиши туфайли юқоридаги ҳолат юз берган.
Ҳақиқатан ҳам 12 га яқин тизим ишга туширилди. Фақат ўша кунга кенга бориб кечиктирилган рейсларни жўнатиш ишлари қўйилди.

Автобус ҳалокатга учради



Кеча эрталаб Малайзиянинг жануби ва шимолини боғловчи катта йўлда автобус ҳалокатга учради. Натижада 19 нафар йўловчи ҳалок бўлди. Автобус Жохор музофотининг Жохор-Бару шаҳридан Кеҳад музофотининг Алоп-Сетар шаҳрига кетаётган эди. РИА «Новости» хабарига қараганда, фожа Малайзия автомобиль йўлларида рўй берган энг йирик ҳалокат ҳисобланади.


Матбуотга чеклов



Афғонистон ҳукумати вакиллари оммавий ахборот воситалари ходимларига Жанубий Корея фуқароларини озод қилиш бўйича ўтказилаётган музокараларни ёритишни таъқиқлаб қўйди.

Бу ҳақда «Ассоэйтед пресс» ахборот агентлиги хабар тарқатди.
«Толиблар — террорчилик ташкилоти. Уларнинг етакчилари оммавий ахборот воситаларидан ўз мақсадларига фойдаланмасликларини учун шундай бўл туғдиқ» деган изоҳ берди.
Ҳазир музофоти губернатори Марҳумдин Патар. Унинг таъкидлашича, музокаралар тугаши билан таъқиқлов бекор қилинади.
Эслайтиб ўтамиз, шу йилнинг 19 июль кунин 23 нафар Жанубий Корея фуқароси Толиблар томонидан гаровга олинган эди. Уларнинг икки нафарини ўлдирди. Шу йўлларда гаровдагиларнинг қолганларини озод қилиш бўйича Фазианада жойлашган Қизил Хон халқаро ташкилоти биносида музокаралар олиб боришмоқда.


АҚШнинг Неошо шаҳридаги черковда отишма содир этилди. Натижада уч нафар диндор ҳалок бўлди, бир неча киши жароҳатланди.



Черковда отишма

Унда иккита тўпонча ва битта пулемёт бўлган. Босқинчи черковга кириши билан одамларға қарата ўқ узган.
Воқеа жойига етиб келган полиция вакиллари жиноятчи билан ўн дақиқадан яқин музокарала олиб боришган. Шундан сўнг у қаршиликчи Шайх полицияси бошлиғи Дейв Маккракеннинг таъкидлашича, туш пайтида қуролланган шахс черковга бостириб кирган.
Шу билан бирга, 50 нафарға яқин одам бир неча соат гаровда олиб турилди. Шаҳар полицияси бошлиғи Дейв Маккракеннинг таъкидлашича, туш пайтида қуролланган шахс черковга бостириб кирган.

Ўқитувчининг таъкидлашича...



Буюк британиялик талабалар инглиз тилини бошқа мамлакатлардан келиб тумани албонда билим олаётган талабалардан ёмон билишади.

Лондондаги Империя коллежи ўқитувчиси Бернанд Лемб ўзи ўқитаётган бир неча талабанинг ёзма ишларини таҳлил қилиб шундай ҳулосаға келган. Чет эллик талабаларнинг ёзма ишларида хато англияликларникиға қараганда анча кам, дейди у.
Лондондаги Империя коллежи Буюк Британиядаги энг нуфузли ўқув юртиларидан ҳисобланади. Унга мактабларда битирув имтиҳонларини «яло» балл билан тугатган ўқувчиларини қабул қилинади.
Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ, «REPUBLIKA MULK-AUKSIONI» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

билан ҳамкорликда барча сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши ва қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибида ўтказиладиган очик ТАНЛОВ савдоларига таклиф этади.

Объект номи	Жойлашган манзил	Бошланғич баҳоси (минг сўм)	Асосий шартлари	Савдо кун
Очик ТАНЛОВ савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади				
«OZMASHAMINOT» ОАЖнинг 26,0 % акция пакети	Тошкент шаҳри, У. Носир 1-тор кўчаси, 6-уй	482 359, 894	- жамиятнинг ривожлантириш ва унинг объектларини қайта тиклаш мақсадлари учун камида 125 000 000 сўм миқдорда қўшимча сармоя киритиш;	4, 18 сентябрь ва 2, 16 октябрь соат 11.00 да
«1- сонли болалар боғчаси» - фаолият турини сақлаш	Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Учқун маҳалласи ҳудудида	30 000,00 (ер майдонининг баҳоси ҳисобга киритилмаган)	- камида 30 млн. сўм миқдорда қўшимча сармоя киритиш;	4, 18 сентябрь ва 2, 16 октябрь соат 11.00 да
Бекобод шаҳар ҳокимлиғига қарашли 16-ўйнинг биринчи қаватида жойлашган нотураж жой қисми (ум. майдони 318,0 кв.м)	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 11-даха	7 179, 67 (ер участкаси ҳисобга киритилмаган)	- 6 ой давомда объектни таъмирдан чиқариб фойдаланишга топшириш ва 5 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча сармоя киритиш;	28 август ва 11 сентябрь соат 11.00 да
Бўстонлиқ тумани Марказий касалхонасига қарашли «Кўшқўрғон» кишлоқ участка шифохонасининг бўш ётган биноси	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Кўшқўрғон қишлоғи	186 285,046	- камида 150 млн. сўм миқдорда инвестиция киритиш; - ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;	21 август ва 7, 21 сентябрь ҳамда 5 октябрь соат 11.00 да
Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли 4 қаватли қурилиши тугалланмаган бино	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, «Чирчиқ шаҳар 50 йиллиги» кўчаси	180 692,404	- объектни қуриб битказиш; - қурилиши тугаллангандан сўнг хонадонларнинг умумий сонидан 10 % Чирчиқ шаҳар ҳокимияти тасарруфига ўтказиш;	28 август ва 14, 28 сентябрь соат 11.00 да

ТАНЛОВ савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда «Respublika Mulk-Aukcion» ДУКнинг «Ўзсанотқурилишбанк» Марказий амалиёт минтақавий филиали х/р 2021 0000 8045 3759 9001 МФО-00442 СТИР- 206 761 326 ОКОНХ 84100га зақалат пули тўлашлари шарт.

ТАНЛОВ савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй. Давлат мулки қўмитаси биноси.

Танлов савдоларида қатнашишни истаган сармоядорлар, савдо ўтказиладиган санадан камида 3 (уч) кун олдин, ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

1. Танлов қатнашчисининг талабномаси;
2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (ҳорижлик сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчионаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчионаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари);
3. Сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқлаб берилган ишончнома;
4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлигини тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси;
5. Танлов савдоси объектига сармоядор таклиф этаётган, унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган маблаг миқдори (таклиф баҳоси унинг бошланғич баҳосидан кам бўлса, у қўриб чиқилмайди);
6. Савдо ақунлари бўйича сармоядорға билдиришнома юборилиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.
7. Савдода қатнашиш учун савдо объекти қўрсатилган ҳолда зақалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси (конвертга солинимасдан шахсан тақдим этилади).

Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари.
Сармоя таклифлари икки нусхада (асли ва нусхаси) конвертга солиниб маҳкамланган ва шахсий муҳрлари билан тасдиқланган ҳолда «Объект номи» ёзуви билан шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши мумкин.

Ҳар бир сармоявий таклиф ва унинг ҳар бир саҳифаси, шахсан ваколатли шахс томонидан имзоланиши лозим.

«Respublika Mulk-Aukcion» ДУК барча сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши тартибида ўтказиладиган очик АУКЦИОН савдоларига таклиф этади.

2007 йил 5 сентябрь кунин соат 15.00 да ўтказиладиган очик АУКЦИОН савдосига қуйидаги ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ қўйилади:

Объект номи	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)
«Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси таркибидаги		
«DAVTRAST» ОАЖнинг 20,2 фоиз акция пакети	Тошкент шаҳри, У. Олимбеков кўчаси, 22-уй	135 131 929
«Ўздастхосқабобускунасавдо» ОАЖнинг 22,76 фоиз акция пакети	Тошкент шаҳри, Кичик Бешёғоч кўчаси, 130-уй	210 000 000

Ушбу кундаги савдоларда сотилмайдиган давлат активларининг такрорий очик АУКЦИОН савдолари 2007 йилнинг 12, 19, 26 сентябрь кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

АУКЦИОН савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда «Respublika Mulk-Aukcion» ДУКнинг «Ўзсанотқурилиш банк» Марказий амалиёт минтақавий филиали х/р 2021 0000 8045 3759 9001 МФО-00442 СТИР- 206 761 326 ОКОНХ 84100га зақалат пули тўлашлари шарт.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиш лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун «Зақалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолаб, зақалат пулини тўлаган хариддорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 (бир) кун, олдин тўхтатилади.

Имкониятнингизни қўлдан бой берманг!

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилға мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотдаги савдолар ўтказиш зали.
Телефон: 139-21-03, 139-83-95, 139-83-82, 150-34-45. Факс: 139-83-77.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиғи муносабати билан «ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО» газеталари таҳририятлари корхона, таъкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.

Бу юртмалар шу йилнинг 24 августига қабул қилинади.

Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: xalk_suzi@rambler.ru

ЭЛЕКТРОН ГАЗ ҲИСОБЛАШ УСКУНАСИ

Ташкилот замонавий компьютерга уланадиган, соатига 25 м³ дан 2250 м³ гача ўлчайдиган турли хил электрон газ ҳисоблаш ускуналарини сотади.

Махсулот сертификатланган.

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А» уй, «Харакатгаз Технология» МЧЖ. Телефонлар: 183-66-88, (8 370 71) 5-59-87, 5-62-27. Факс: (8 370 71) 5-61-73. E-mail: harakat_2004@mail.ru

АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИ — СОҒЛИГИМИЗ ГАРОВИ!

EKONORDRAGMET

Гибридик сертификат № 135016

СТРГ СОРБЕНТИ
(графитли парчаланган сорбент)

Ишлаб чиқаришда ва янги ноб технология бўйича санот корхоналари чиқинди сувоқликларни, сув устидаги нефть маҳсулотларини, мойлар, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган бошқа зарарли моддалардан халос қилиш учун СТРГ сорбентини қўлдан қўлади.

Сув ва ерга нефть маҳсулотларини тўқилиши натижасида вужудга келадиган нуқсон холларни бартараф этишда ҳам СТРГ сорбенти қўлланилиши мумкин.

СТРГ сорбенти ҳозирда қўлланилиб келинаётган сорбентларға нисбатан шимиб олиш (адгезия) ҳусусияти, кавалари катталиғи билан фарқ қилади, сувда чўкмайди ва атроф усти қатламларини ифлосламайди. Иссиқликка чидамлилиги очик ҳавода — 300°C, инерт муҳитда — 3000°C.

СТРГ юқори шимиб олиш ҳусусиятига эга бўлиб, 1 кг. сорбент 40 кг. дан 60 кг. гача тўқилган нефть ва нефть маҳсулотларини шимиб олади.

ҚҚ республиканинг барча қизилки билдирган муассаса, ҳокимият, корхона ва фирмалари билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Ўзбекистон, 100015, Тошкент ш., Афросиёб к., 12-уй. Тел.: (99871) 152-59-34. Факс: (99871) 152-74-14. E-mail: ekonordragmet@mail.ru; eko-uz@yandex.ru

www.solar-ct.com

ЯШАШ УЧУН SOLAR MASTER ВАГОНЧАЛАРИ

- автономлик (узак ва бориш қийин бўлган жойларда фойдаланишда қулай)
- мобиллилик (ташиш ва монтаж қилиш осон)
- унумлилиқ (яшаш, ошхона, офис, санитария-гигиена хонаси сифатида фойдаланиш + ичини алоҳида жиҳозлаш)
- қулайлилик (иссиқликни сақлаш, хавфсизлик)

КЎЁШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ

Кўёш энергияси билан электр қуввати ишлаб чиқариш, Бритиш ва сувни иситиш учун

Тел./факс: (+99890) 327-48-39, (99871) 54-77-19. E-mail: info@solar-ct.com

Махсулот сертификатланган.

www.spetstehnika.com

СПЕЦТЕХНИКА ИЗ КИТАЯ

Под заказ

РЕАЛЬНАЯ ТЕХНИКА ЗА РЕАЛЬНЫЕ ДЕНЬГИ

- Грузовики
- Самосвалы
- Седельные тягачи
- Бетономесители
- Автокраны
- Трейлеры
- Бульдозеры
- Аскаваторы
- Погрузчики
- Дорожные катки
- Автогрейдеры
- Асфальтоукладчики

Тел.: (+998712) 54-77-19, (+99890) 328-29-48 E-mail: info@spetstehnika.com

